

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИННИГ 2021 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИННИГ 2021 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Умумий маълумотлар

Номланиши:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Муассаса
Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй.
Юридик манзили:	Автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш
Фаолият тури:	

Автомобиль йўллари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4954-сон Фармонига асосан Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзавтойўл" ДАК) негизида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5647-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси этиб қайта номланган ҳолда Транспорт вазирлиги таркибига киритилган.

Автомобиль йўллари қўмитаси автомобиль йўллари соҳасида маҳсус ваколатли орган бўлиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш,

куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш бўйича ишларнинг ягона буюртмачиси ҳисобланади.

Автомобиль йўллари қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Транспорт вазиригининг қарорларига хамда Автомобиль йўллари қўмитаси Низомига амал қиласди.

Автомобиль йўллари қўмитаси ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

Автомобиль йўллари қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Автомобиль йўллари қўмитасининг ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги

"Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4545-сонли қарори билан Автомобиль йўллари қўмитасининг ташкилий тузилмаси тасдиқланган.

Автомобиль йўллари қўмитасининг ташкилий тузилмасида:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармалари;
- "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри минтақавий йўлларга буюртмачи хизматлари" давлат унитар корхоналари;
- Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхоналари;
- Йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхоналари;

- Кўприклардан фойдаланиш унитар корхоналари;
- "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" давлат унитар корхонаси;
- "Ўзйўлбутлаш" Республика таъминот бошқармаси;
- "Ўзйўлкўкаламзорлаштириш" унитар корхонаси;
- "Ўзавтойўлбелги" давлат унитар корхонаси ва бошқа корхоналар мавжуд.

Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятининг

2021 йилдаги асосий йўналишлари

Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан 2021 йил давомида қўйидаги асосий йўналишларда ишлар олиб борилди:

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб бориш;

автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

автомобиль йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини ташкил этиш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга ошириш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш

ишлигини мувофиқлаштириш;

илмий-тадқиқот ишигини ташкил этиш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш;

автомобиль йўларининг ҳудудий архитектура-бадији тузилишига ва ландшафт дизайнига тааллуқли замонавий ёндашувларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш бўйича ягона давлат сиёсатини ўтказиш, автомобиль йўларига туташ ҳудудларни кўкаlamзорлаштириш тадбирлари ўтказилишини ташкил этиш;

автомобиль йўларини лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлаш;

йўл хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

2021 йилда амалга оширилган ишлар

Тасдиқланган дастурлар ва топшириклар ижросини таъминлаш бўйича 2021 йил якуни билан 9 трлн 695 млрд сўм маблағ ўзлаштирилди ҳамда 20 561 км автомобиль йўллари реконструкция қилинди ва таъмирланди.

Жумладан:

1. Инфратузилмани ривожлантириш дастури доирасида 2 трлн 471 млрд сўм миқдорида ишлар бажарилиб, 421,5 км автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди;

2. Капитал таъмирлаш дастури доирасида 491,7 млрд сўм маблағ ўзлаштирилиб, 120 км автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди;

3. Ички йўлларни таъмирлаш бўйича 3 трлн 414 млрд сўм миқдорида ишлар бажарилиб, 16 682 км ички йўллар таъмирланди.

Шундан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 3 318,4 км ички йўллар 851,8 млрд сўм миқдоридаги маблағлар ҳисобига тўлиқ таъмирланди.

4. Таъмрталаб 328 дона (шундан 184 донаси ички йўлларда, 144 донаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида) кўприклар реконструкция қилинди ва таъмирланди.

5. Автомобиль йўлларини техник соз холатда сақлаш мақсадида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш бўйича

2 трлн 781 млрд сўм ишлар бажарилиб, 3 072 км автомобиль йўллари жорий таъмирланди.

6. Шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларини таъмирлаш бўйича қўшимча ажратилган 340,2 млрд сўм маблағлар ўзлаштирилиб, 265 км шаҳар кўчалари таъмирланди.

7. Корхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 272 дона йўл техникалари йўл хўжалиги корхоналарига етказиб берилди ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратилган 196,2 млрд сўм миқдоридаги маблағ тўлиқ ўзлаштирилди (бундан ташқари Инфратузилмани ривожлантириш дастури доирасида қўшимча 189 дона йўл техникалари харид қилинган).

8. Бундан ташқари, 2021 йилда халқаро молия институтлари иштирокидаги 7 та лойиҳа доирасида жами 146,4 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирили.